СИДИҚМЕТОВ Қудратуллоҳ Ирисматович
Имом Бухорий номидаги
Тошкент ислом институти ўқитувчиси

ИЛК ТАКФИРЧИ ФИРҚАЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

THE ORIGIN OF THE FIRST TAKFIRI SECTS AND THEIR NEGATIVE CONSEQUENCES

ПРОИСХОЖДЕНИЕ ПЕРВЫХ ТАКФИРИСТСКИХ ГРУПП И ИХ НЕГАТИВНЫЕ ПОСЛЕДСТВИЯ

Аннотация. *Бу мақолада илк такфирчи фирқаларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг салбий оқибатлари таҳлил қилинади. Хаворижлар, яъни илк такфирчилар, Али ибн Абу Толиб (р.а.)нинг халифалик даврида жамиятда пайдо бўлган ва мусулмонларнинг ўзаро бўлинишига сабаб бўлган. Уларнинг асосий хусусияти бошқаларни куфрга ҳукм қилиш ва уларнинг қонини ҳалол санашдир. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳадисларида хаворижлар ҳақида огоҳлантириш берилган бўлиб, уларнинг хусусиятлари ва диний тафаккури қатағончи бўлган. Мақолада хаворижларнинг диний фаолияти, уларнинг такфир қилиш сиёсатини танқидий шарҳлаш ва уларнинг ислом жамиятига келтирган таҳдидлари ва муаммолари ҳақида батафсил маълумот берилади. Шунингдек, мақолада хаворижларнинг тарихий аҳамияти, уларнинг такфир масаласидаги ғулуви ва мусулмонлар ўртасидаги фақиҳи, қозий ва уламоларнинг уларга нисбатан олиб борган позицияси кўрсатилган.*

Kalit so‘zlar: *Хаворижлар, такфир, фитна, Али ибн Абу Толиб, Расулуллоҳ (с.а.в.), ислом, таълим, адашиш, Қуръон, ҳадис, муфтий, Қозий, аҳли сунна вал жамоа, диний тафаккур.*

Abstract. *This article analyzes the emergence of the first takfiri sects and their negative consequences. The Kharijites, the first takfiris, appeared in society during the caliphate of Ali ibn Abi Talib (r.a.) and caused division among Muslims. Their main characteristic is to declare others as disbelievers (kufr) and to consider their blood permissible (halal). The hadiths of the Prophet Muhammad (p.b.u.h.) contain warnings about the Kharijites, describing their characteristics and repressive religious thought. The article provides a detailed account of the religious activities of the Kharijites, a critical commentary on their policy of takfir, and the threats and problems they posed to Islamic society. Furthermore, the article highlights the historical significance of the Kharijites, their extremism (ghuluw) in the matter of takfir, and the position held against them by the faqihs, qadis, and ulema among Muslims.*

Keywords: *Kharijites, takfir, fitna, Ali ibn Abi Talib, Prophet Muhammad (p.b.u.h.), Islam, teaching, deviation, Quran, hadith, mufti, qadi, Ahl al-Sunnah wal-Jama’ah, religious thought.*

Аннотация. *В данной статье анализируется появление первых такфиристских групп (сект) и их негативные последствия. Хариджиты, то есть первые такфиристы, появились в обществе в период халифата Али ибн Абу Талиба (р.а.) и стали причиной раскола среди мусульман. Их основной чертой является обвинение других в неверии (куфр) и объявление их крови дозволенной (халяль). В хадисах Пророка Мухаммада (с.а.в.) содержатся предостережения о хариджитах, чьи характеристики и религиозное мышление были репрессивными. В статье подробно рассматривается религиозная деятельность хариджитов, дается критический комментарий их политики такфира, а также освещаются угрозы и проблемы, которые они принесли исламскому обществу. Также в статье показано историческое значение хариджитов, их крайность (гулув) в вопросе такфира и позиция, которую занимали по отношению к ним факихи, кади и улемы.*

Ключевые слова: *Хариджиты, такфир, фитна, Али ибн Абу Талиб, Пророк Мухаммад (с.а.в.), ислам, учение, заблуждение, Коран, хадис, муфтий, кади, Ахль ас-Сунна валь-Джама›а, религиозное мышление.*

КИРИШ

Хавориж – ислом тарихидаги илк такфирчи фирқалардан бири бўлиб, улар Али ибн Абу Толиб (р.а.)нинг халифалик даврида намоён бўлган. Бу фирқанинг намоён бўлиши, Расуллуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳадисларида илгари келтирилган хаворижлар ҳақидаги таърифга тўлиқ мос келади. Хаворижлар, ўзларининг диний ақидалари ва амалларини исломнинг ҳақиқий йўлидан ажратиб кўрсатган, мусулмонларни асоссиз равишда кофир деб ҳисоблаган гуруҳ бўлиб, улар ижтимоий ва сиёсий бўлинишларга сабаб бўлган. Шунингдек, улар, бошқа мусулмонларни такфир қилиш орқали жамоат ичидаги тинчлик ва бирлигини

 ISSN 2181-9572

бузишга ҳаракат қилганлар.

Хаворижларнинг келиб чиқиши, уларнинг диний қарашлари ва ижтимоий аҳволи ҳақида Қуръон ва ҳадислар ёрдамида олинган мисолларни таҳлил қилиш орқали чуқурроқ тушунишга эришиш мумкин. Ушбу гуруҳ, ўзининг мутаассибона ёндашуви билан, мусулмонлар орасида алоҳида бир оқим сифатида пайдо бўлиб, исломнинг асл ақидаларидан четга чиққанлар. Шунинг учун, Расуллуллоҳ (с.а.в.) улар ҳақидаги ҳадисларида, улар учун огоҳликни таъкидлаб, уларнинг нохуш оқибатларига эътибор қаратганлар.

Хаворижлар, ўзларининг экстремистик фикрлари ва такфирларга асосланган қарашлари билан нафақат диний, балки сиёсий жиҳатдан ҳам ўзгаришларга сабаб бўлган. Улар, ўзларининг диний амалларини тўғри деб билган бўлса-да, аслида илм ва ҳикматдан йироқ бўлиб, исломнинг ҳақиқий йўлини яхши тушунмаганлар. Бу гуруҳнинг ҳатолиги ва уларнинг фаолиятининг мусулмонлар орасида қандай бўлинишларга олиб келганини кўриб чиқиш, келажакдаги диний ва ижтимоий муаммоларни олдини олишга ёрдам беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Илк такфирчи фирқалар хаворижлар бўлиб, уларнинг намоён бўлиши Али ибн Абу Толиб (р.а.)нинг халифалик даврига бориб тақалади. Гарчи улар Али (р.а.)нинг халифалик даврида намоён бўлишган бўлса-да, аслида Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинган қуйидаги ҳадисдан хаворижлар қасд қилинган эди:

Абу Саъид (р.а.)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (с.а.в.): “**Мусулмонларда бўлиниш бўлган пайтда бир жамоат чиқади. Улар икки тоифадан ҳаққа энг муносиб бўлганини қатл қиладилар**”, дедилар” (Абу Довуд ривояти) [1:735].

Қатл қилишларининг сабаби улар такфирчи фирқа бўлганлигидандир. Яъни бошқаларни кофир деб ҳукм қилади ва уларнинг қонини ҳалол санайди. Бу сифат ўша асрларда хаворижларда бўлган.

Имом Бухорий (р.а.)нинг саҳиҳларида қуйидагича келган:

Абу Саъид Худрий (р.а.) айтади: “Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларида эдик. У зот ўлжа тақсим қилаётган эдилар. Олдиларига Зулхувайриса – Бани Тамимлик киши – келиб: “Эй Аллоҳнинг Расули, адолат қилинг!”, деди. У зот: “**Шўринг қурсин! Мен адолат қилмасам, ким адолат қилар экан? Мен адолат қилмаган бўлсам, ноумид бўлибсан, зиёнда қолибсан!**”, дедилар. Умар: “Эй Аллоҳнинг Расули, менга изн беринг, бунинг бўйнини узиб ташлай!”, деди. У зот дедилар: “**Қўй уни. Унинг шундай шериклари борки, бирингиз уларнинг намози олдида ўз намозини, рўзаси олдида ўз рўзасини арзимас санаб қолади. Улар Қуръонни ўқишади-ю, ўрмов** (кўкрак)**ларидан нарига ўтмайди. Диндан ўқ сайд[1]ни тешиб ўтгандек чиқиб кетишади. Ўқнинг пайконига қаралса, унда ҳеч нарса йўқ. Кейин бандларига қаралса, унда ҳам ҳеч нарса йўқ. Кейин назийсига** – ўқнинг танасига **– қаралса, унда ҳам ҳеч нарса йўқ. Кейин патларига қаралади, унда ҳам ҳеч нарса йўқ, ҳолбуки, у ахлату қондан ўтган бўлади. Уларнинг аломати –** (ораларида) **бир киши бўлиб, икки юқори билагининг бири аёл кўкраги ёки гўштпарча каби ликиллаб туради. Улар одамлар тафриқа бўлган пайт чиқишади”.**

Абу Саъид (р.а.) айтади: “Гувоҳлик бераманки, мен бу ҳадисни Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўзларидан эшитганман! Ва яна гувоҳлик бераманки, Али ибн Абу Толиб (р.а.) улар билан жанг қилган ва мен у билан бирга бўлганман. (Али) ўша одамни (топишга) буюрган, уни топиб, олиб келишган. Мен унинг Набий (с.а.в.) таърифлагандек эканини кўрганман” *(Бухорий ривояти)* [2:626-627].

Имом Бухорий ривоят қилган яна бир ҳадисда эса шундай дейилган: Абу Саид Худрий (р.а.) айтади: “Али ибн Абу Толиб (р.а.) Ямандан Расулуллоҳ (с.а.в.)га қараз[2] билан ошланган терида тупроғи ажратилмаган кичик бир парча тилла жўнатди. У зот уни тўрт киши: Уяйна ибн Бадр, Ақраъ ибн Ҳобис, Зайд Ал-Хайл ўртасида тақсимладилар, тўртинчиси ё Адқама, ёки Омир ибн Туфайл эди. Шу пайт у зотнинг саҳобаларидан бир киши: “Бунга анавилардан кўра биз ҳақлироқ эдик”, деди. Бу гап набий (с.а.в.)га етиб борди. Шунда у зот: “**Сизлар менга ишномайсизларми?!” Ахир**

[1] Овланган ўлжа.

[2] Қараз – майда баргли, ёнғоққа ўхшаш, катта дарахт. Унинг баргидан тайёрланган модда ёрдамида ошланган терилар энг яхши терилар ҳисобланган.

мен самодаги Зотнинг амийни бўлсам, менга эрта-ю кеч осмон хабари келиб турса?!", дедилар. Шунда икки кўзи ичига ботган, икки ёноғи бўртган, дўнгпешона, серсоқол, тақирбош, изорини шимариб олган бир киши туриб, "Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳдан қўрқинг!", деди. У зот: **"Шўринг қурсин! Ахир мен ер аҳлининг Аллоҳдан қўрқишга энг ҳақлиси эмасманми?!"**, дедилар. Ҳалиги киши ўгирилиб кетди. Холид ибн Валид: "Эй Аллоҳнинг Расули, унинг бўйнига қилич урайми?" деди. У зот: "**Йўқ, балки у намоз ўқир**", дедилар. Холид: "Қанчадан қанча намозхонлар борки, қалбида бўлмаган нарсани тилларида айтишади", деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "**Мен одамларнинг қалбларини ковлашга ёки қоринларини ёриб кўришга буюрилган эмасман**", дедилар. Кейин (ҳалиги киши) ўгирилиб кетаётганида унга қараб туриб: "**Бунинг пуштидан бир қавм бўлади. Улар Аллоҳнинг китобини нозил бўлган онидагидек ўқишади, бироқ у уларнинг бўғизидан нарига ўтмайди. Улар диндан ўқ сайд[3]дан отилиб чиқиб кетгандек чиқиб кетишади**", дедилар. Менимча у зот яна: "**Агар уларни топсам, Самуднинг қатлидек[4] қатл қилажакман**", дедилар" [2:475-476].

Хаворижлар ана шундай фирқа бўлган. Улар ҳеч кимга, ҳатто Пайғамбар (с.а.в.)га эҳтиром назари билан қарамаган.

Имом Қуртубий айтади: "У киши гарчи қатлга мустаҳиқ бўлган бўлса-да, Расулуллоҳ (с.а.в.) уни қатл қилишни ман қилганининг сабаби, одамлар Муҳаммад ўз асҳобларини ўлдиряпти демасликлари учун бўлган эди" [3:14].

Хаворижларнинг умумий таърифига ўтадиган бўлсак, "хавориж" сўзи "хорижий" сўзининг кўплик шакли бўлиб, араб тилида "хаража" сўзидан ясалган ва "чиқмоқ" маъносини ифодалайди. Шунга кўра "хорижий" сўзи "чиқувчи"ларга нисбатан қўлланилган.

Уларга бундай ном берилишининг сабаби улар Али ибн Абу Толиб (р.а.)га ҳам, Муовия ибн Абу Суфён (р.а.)га қўшилмай, аксинча уларга қарши бош кўтариб чиққан исломдаги илк оқимлардан ҳисобланади.

Абу Бакр (р.а.)нинг хилофат даврида ридда воқеасидан кейин мунофиқлар кўпайиб кетди. Улардан кўпчилиги ислом ва мусулмонларга қарши кофирлар билан тил бириктиришар эди. Бунинг натижасида саййидимиз Умар (р.а.) қатл қилинди, шунингдек, Усмон (р.а.) ҳам қатл қилинди. У зот қатл қилиниши мусулмонлар ўртаси катта фитна келиб чиқишига сабаб бўлди ва мусулмонлар бўлинди. Али (р.а.) нинг даврида ҳам кўп фитналар бўлди. Бу фитналарнинг энг хатарлиси Али (р.а.) "таҳким"[5]ни қабул қилгандан сўнг хаворижлар[6] тоифасининг пайдо бўлиши эди [4:51].

Мусулмонлар орасида биринчи ақидавий тортишувлар Али (р.а.)нинг аскарлари ичидан ажралиб чиққан, ақида масаласида шубҳали, фитнали саволлар чиқарган хаворижлар бўлган. Улар бундан аввал Қуръонни ўқийдиган Қуръон қорилари эдилар. Улар Қуръони карим ва ҳадиси шарифдаги ҳукмларга ҳеч бўйин товламай эргашадиган кишилар эди. Улар ибодат, тиловат, динни маҳкам тутиш бўйича танилган кишилар эди. Лекин улар Қуръон оятларини Аллоҳ ирода қилганидан бошқа маънога таъвил қилишиб, ўз фикрларида маҳкам туриб олишди. Зуҳд ва хушуъда талабчанлик ва таассуб қилдилар.

Али (р.а.) Сиффин урушини тўхтатишни қабул қилиб, икки томон "таҳким"га иттифоқ қилишган эди. Буни хаворижлар рад этиб, Алини ҳам, Муовияни ҳам кофирга ҳукм қилишган. Ҳа, улар Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг тарбияларини

[3] Сайд – овланган ҳайвон.

[4] Яъни Самуд қавми буткул ҳалок қилинганидек, уларни ҳам таг-туби билан йўқотиб ташлар эдим, демоқчилар.

[5] Алий розияллоҳу анҳу билан Муовия розияллоҳу анҳу ўртасида вужудга келган ҳолатни ислоҳ қилиш учун Алий томонидан бир киши, Муовия томонидан ҳам бир киши ҳакам бўлиб, икки ҳакам мусулмонлар учун фойдали бўлган нарсага иттифоқ қилиши кўзланган эди. Муовия розияллоҳу анҳу томонидан Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу, Алий розияллоҳу анҳу томонидан эса Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳу ҳакам бўлиб сайланди.

[6] Ҳақ имомга қарши чиққан киши хорижий деб номланишига иттифоқ қилинган. Бу ҳолат саҳобалар даврида хулафои рошидинларга нисбатан бўлсин ёки улардан кейин тобеинлар даврида бўлсин ёки барча заомнларда бўлсин, ҳақ имомга қарши чиққанларга нисбатан хорижий дейилади. Хорижийлар Алий розияллоҳу анҳуга қарши чиқиб, таҳкимни инкор қилишган эди. Улар бир қанча фирқага бўлиниб кетган. Бунга сабаб бир қанча масалаларда ўзаро ихтилофга боргани бўлган. Натижада бир қанча жамоатлари вужудга келган. Улар Алий, Усмон, икки ҳакам, Жамал асҳоблари, таҳкимга рози бўлганларни кофирга ҳукм қилишган. Қар. (Доктор Бассам Соббағ. Балоу-т-такфир. – Димашқ: Дорул-Башоир, 2008. – Б. 51).

ISSN 2181-9572

олган, тириклигидаёқ унга жаннат башорати берилган Али (р.а.)ни кофирга чиқарган эдилар.

Ибн Умарнинг мавлоси Нофеъдан Абдуллоҳ ибн Умарнинг Хаворижлар ҳақида қандай фикрда бўлгани тўғрисида сўрашганида, у шундай деб жавоб берган эди: “Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.): Хаворижлар халойиқнинг энг ёмонидир. Улар кофирлар ҳақида нозил бўлган оятларни мўминларга татбиқ этадилар, дер эдилар”.

Хавориж, аслида, аввал ҳам айтилганидек, “хуруж қилувчи” – “мусулмонлар бошлиғига ва жамоасига қарши чиқувчи” деганидир. Уларнинг тарихига яхшилаб назар солинса, улар аслида, таълим тарбия кўрмаган, аммо диндорликнинг чўққисига чиққанлик даъвосини қилувчи шахслар экани намоён бўлади. Уларнинг илми бўлмагани учун, озгина билган нарсасини маҳкам тутиб, ҳаддан ошиш ва бошқаларни нуқсонда айблаш ила ўзининг камчилигини ҳаспўшлашга ўтадилар. Улардан одоб ахлоқ, ҳилм ва босиқлик каби нарсалардан асар ҳам йўқ эди. Илмлари бўлмагани учун, кўпроқ ўзларига ёқиб қолган нарсага маҳкам ёпишишга ўтар эдилар. Худди ана ўша омиллар хаворижларни ҳазрат Али ибн Абу Толиб (р.а.)нинг энг ашаддий тарафдорларидан энг ашаддий душманларига айлантирган эди.

Ислом ақида бобида ҳам, ибодат бобида ҳам ўзини тутиш бобида ҳам ва бошқа бобларда ҳам мўътадилликка асосланган. Бундоқ мўътадилликнинг чегарасини билиш учун эса асосли илмий мезон керак. Ана ўша асосли мезонга эга бўлиш учун эса исломий илмларнинг барчасини асл масдарлардан, етук ва тақводор уламолардан тўлиқ ўрганиш керак. Бу нарсаларга одоб-ахлоқ, ҳилм, босиқлик ва ҳар бир нарсани ўз ўрнида тўғри баҳолай билиш омиллари қўшилгандагина, ўнг ёки сўлга бурилиб ҳалокат жари ёқасига келиб қолиш хавфининг олди олинган бўлади.

Имом Шотибий (р.а.) хаворижлар ҳақида Ҳасан Басрий (р.а.)нинг ушбу сўзини келтиради: “Илмсиз амал қилувчи киши худди нотўғри йўлда юриб кетаётган кишига ўхшайди. Илмсиз амал қилувчи кишининг фойдасидан кўра зарари кўпроқ бўлади. Шундай экан, ибодатга халал бермайдиган илмни ва илмга халал бермайдиган ибодатни талаб қилинглар. Чунки бир қавм илмни тарк қилиб ибодатни талаби бўлди, ҳатто Муҳаммад (с.а.в.)нинг умматига қилич кўтариб қарши чиқишди. Агар улар илм талаб қилганларида эди, илм уларни бу қилмишларига бошламаган бўларди”. У зот, валлоҳу аълам, бу сўзлари билан хаворижларни қасд қилган эди. Чунки хаворижлар ҳадисда ишора қилинган Қуръон ўқийдиган, лекин уни англамайдиган қавм эди: “**Улар Аллоҳнинг китобини нозил бўлган онидагидек ўқишади, бироқ у уларнинг бўғизидан нарига ўтмайди**” [6:101].

Суннати набавия хорижийларнинг сифатлари хусусида шундай тушунча ва тафсилотларни берганки, ҳадисларда бошқа ҳеч бир фирқа ҳақида бу қадар тушунча ва тафсилотлар келмаган. Уларнинг барчасида мусулмонларни огоҳлантириш маъноси бор. Чунки хорижийларнинг ғоявий хатарлари, диний иборалар билан муомала қилишдаги услубларининг эгрилиги, ўз ғояларини мусулмон жамиятига татбиқ қилишдаги воқеий хатарлари улканлиги ҳамда ўзларини ибодатжўй қилиб кўрсатиб, ялтироқ шиорлар кўтариб олишлари натижасида бир қанча одамларни алдаб ўзлари ҳақида яхши гумон пайдо қиладилар. Оқибатда уларнинг ғоялари ва амаллари тўғри эканда, деган эътиқодга бориб уларга тезда алданиб қолишнинг хатарлари борлигидан шу қадар огоҳликка чақирилган.

Пайғамбар (с.а.в.)нинг тавсифларига кўра хорижийлар аҳли Исломни ўлдиришлари юқорида айтиб ўтилди. Имом Қуртубий (р.а.) шундай деган: “Бунинг сабаби шуки, улар ўзларига қарши чиққан мусулмонларни кофир деб ҳукм қилганлари учун уларнинг қонларини тўкишни ҳалол санайдилар”. Демак, мусулмонларни асоссиз кофирга чиқарадиган, уларнинг қонларини тўкишни ҳалол санайдиган ҳар қандай киши хорижийлар сафига киради [6:76-78].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, уламолар фиқҳ ва ақида китобларида такфир масаласини, яъни қандай ҳолатда мусулмон исломдан чиқиб кофир бўлади, барчасининг баёнини, усуллари, қоидаларини маълум қилган. Лекин бу усул ва қоидаларни ҳамма ҳам татбиқ қилавермайди. Айнан хаворижларнинг адашиши ҳам мазкур такфир масаласида ғулувга кетиб ҳақдан тойинганлиги билан боғлиқ. Аслида бировни кофир бўлим диндан чиққанлигини муфтийлар ва қозилар татбиқ қилишади. Чунки такфир масаласи ўта оғир масала. Фақиҳлар бу борада

эҳтиёт тарафини олиб: “Агар бир кишини гапирган гапидан тўқсон тўққиз фоиз куфр тушунилиб, бир фоиз имон тушуниладиган бўлса, имон тарафини олиб унга куфр ҳукми берилмайди”, дейишган. Шунинг учун мўмин кишининг айтган сўзи имкон қадар куфрга бурилмайди.

Шаръий манбаларда келган куфр ва такфир масалаларини ўзларининг ғаразли мақсадларига мослаб шарҳлашга уринаётган тоифаларнинг кирдикорларидан сақланиш учун ушбу тушунчалар тўғрисида аҳли сунна вал жамоа уламолари хулосаларига мурожаат қилиш айни тўғри йўлдир.

ХУЛОСА

Хаворижлар, яъни илк такфирчи фирқалар, ислом тарихида Али ибн Абу Толиб (р.а.) нинг халифалик даврида намоён бўлди. Улар, Қуръон ва ҳадисларни нотўғри талқин қилишар ва мусулмонларни асоссиз равишда кофир деб ҳукм қилишар эди. Бу фирқалар, ўзларининг ақидалари билан ижтимоий ва сиёсий жамоаларда катта бўлинишлар яратди, ва Расулуллоҳ (с.а.в.) уларнинг иймонини тафтиш қилишда жуда огоҳ бўлган.

Расулуллоҳ (с.а.в.) хаворижлар ҳақида бир нечта ҳадислар қолдирганлар, уларда Қуръонни ўқиб, лекин уни қалбларига ўтказмасликлари, ўзларининг нотўғри ёндашувларида мустаҳкам туришлари ҳақида огоҳлантирганлар. Улар, ҳатто Расулуллоҳ (с.а.в.)ни ҳам асоссиз равишда кофир деб ҳисоблашган. Бу фирқанинг хатоликлари, диний билимдан холи, ҳаддан ташқари экстремистик фикрларга асосланиб, ўзларини ҳақиқий мусулмонлардан ажратган.

Хаворижларнинг асосий хатоси, такфир масаласида ҳаддан ошиб, бошқа мусулмонларни кофир деб ҳисоблашда эди. Ушбу хатоликлар, бутун мусулмонлар жамоасини бўлиб, муаммоларни кучайтирган. Уларнинг фикрларининг салбий таъсири, умуман олганда исломнинг асосий йўлидан четга чиқиш билан боғлиқ эди.

Шунингдек, хаворижлар, илм ва ахлоқдан холи бўлиб, ўзларини фақатгина диний масъулиятни бажарувчи деб ҳисоблашар, аммо ҳақиқатан, улар илм ва ҳикматга эга бўлмаган. Уларнинг ўз фикрларида қатъиятлилиги, бошқа мусулмонларни ҳатти-ҳаракатлари орқали танқид қилишда, уларнинг камчиликларини яширишга олиб келган.

Хулоса қилиб айтганда, хаворижларнинг хатоликлари, илмга асосланмаган такфир ёндашувларидан келиб чиққан. Уларнинг хатоларидан ўрнак олиш учун, барча мусулмонлар илм ва ҳикматга асосланган фикрлашга, ижтимоий муаммоларга яхши қарашга ва ўзаро аҳилликни сақлашга ҳаракат қилишлари лозим. Илм, ахлоқ ва адолат, исломда ўз ўрнига эга бўлиб, барча ихтилофларни тўғри ҳал қилишнинг асосий йўлидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Имом Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас Сижистоний. Сунану Абу Довуд. – Байрут: Дорул кутубил илмийя, 2007.
2. Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Саҳиҳул Бухорий. Олтин силсила. – Т.: “Hilol-Nashr” нашриёти. 2014. – Ж. 4.
3. Бадруддин Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Айний. Умдатул қорий шарҳу Саҳиҳил-Бухорий. – Байрут: Дору Иҳёут-турос ал-арабий, 2003. – Ж. 18.
4. Доктор Бассам Соббағ. Балоу-т-такфир. – Димашқ: Дорул-Башоир, 2008.
5. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Мусо аш-Шотибий. Ал-Иътисом. – Риёз: Дору Ибну-л-Жавзий, 2008. – Ж. 3.
6. Доктор Имодуддин Хийтий. Таржима изоҳлар муаллифи А. Ҳофий. Ишиднинг ботил ғоялари ва уларга раддиялар. “Имом Бухорий халқаро маркази” нашриёти, 2017.

ISSN 2181-9572